

**ПРОСТАТА БЕЗИ ХАВФСИЗ ГИПЕРПЛАЗИЯСИНИНГ
II ДАВРДАГИ ТЎҚИМА ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ
МОРФОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ**

О.А.Хамраев, М.И.Косимхожиев, Д.И.Садикова

Андижон давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон

Простата беzi хавфсиз гиперплазия касаллигида морфологик ва морфометрик ўзгаришларни муҳокама қилишда авваламбор жараёнларни тўғри ва ўзига хос атамалар билан аташга тўғри келади. Простата беzi хавфсиз гиперплазия II - субкомпенсация даврида аваламбор без ячейкалари гиперплазияланиб, алоҳида без тузилмаларидан иборат пролифератив майдонларни пайдо қилади. Ушбу даврда простата безнинг алоҳида майдонларида майда без тузилмалари гиперплазияланиб, майда без ўчоқларини пайдо қилади, уларнинг орасида юпқа бириктирувчи тўқима ўсиб кўпаяди. Агар без тузилмалари кўпчиликини ташкил қилса безли гиперплазия, агар оралиқ тўқима тузилмалари кўп бўлса фиброзланган аденоз дейилади.

Тадқиқот мақсади: простата беzi хавфсиз гиперплазиясида тўқима тузилмаларига кўра гиперплазияланишни II даврига баҳо бериш.

Материал ва усуллар. Текширув объекти сифатида эркаклар простата беzi Республика патологик анатомия маркази биопсия диагностикаси бўлимида текширувдан ўтказилган простатанинг хавфсиз гиперплазиясида ТУР жарроҳлик амалиётида олинган простата бўлакчалари гистологик текширув мақсадида формалиннинг 10% эритмасида 48 соат давомида қотирилди. Оқар сувда 4 соат ювилгандан кейин, концентрацияси ошиб борувчи спиртларда сувсизлантирилди ва парафин куйилиб, ғишчалар тайёрланди. Парафинли ғишчалардан 4-5 мкм гистологик кесмалар тайёрланиб, гематоксилин-эозин ва ван-Гизон усулларида бўялди.

Препаратлар ёруғлик микроскопи остида кўриб, ўрганилиб, морфометрик ҳисоблашлар ўтказилди. Ҳисоблашлар Г.Г. Автандиловнинг “нуқталарни санаш” усулида олиб борилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси: Простата без хавфсиз гиперплазиясининг II-субкомпенсация даврида аъзонинг гипертрофияланиб катталашидан пешоб чиқариш рефлекси бузилганлиги кузатилади.

Бу даврда морфометрик жиҳатдан без тўқимасида эпителий хужайра компонентларининг эгаллаган майдони 1-даврга нисбатан 7%, 2-даврга нисбатан 11%-га кенгайганлиги кузатилди. Без эпителийси гиперплазияланиб кўпайишига монанд ҳолда без стромаси таркибидаги фиброз тўқима ҳам ўсиб кўпайганлиги, унинг эгаллаган майдони олдинги даврга нисбатан 3,6 % кенгайганлиги аниқланди. Фиброз тўқиманинг гиперплазияланиб кўпайиши строма таркибидаги силлиқ мушак хужайраларнинг камайиши ҳисобига амалга ошганлиги топилди ва силлиқ мушак тўқимаси бу даврда 13,2% жойни эгаллаганлиги аниқланди. Касалликнинг бу субкомпенсация даврида без тўқимасидаги мавжуд яллиғланиш инфилтрати камайганлиги ва эгаллаган майдони олдинги даврга нисбатан 3,5% камайиб, 13,4% жойни эгаллаганлиги аниқланди.

Хулоса: Простата беги хавфсиз гиперплазия касаллигининг II-субкомпенсация даврида без эпителийси фаоллик коэффиценти 1,25 даражага етганлиги, фиброз тўқимаси фаоллик коэффиценти нисбатан яна ҳам ошганлиги ва 1,84 даражага кўтарилгани аниқланди.